

ЌИТЃА ТАДЌИЌИДАГИ НАЗАРИЙ МУАММОЛАР

Джураева С.Р. – Ўзбекистон миллий педагогика
университети ўқитувчиси (PhD)

Телефон: +998 88 884 04 83

Аннотация: Мақолада қитъа жанрининг ўрганилишидаги назарий муаммолар хусусида мулоҳаза юритилади. Муаллиф XX аср ўзбек адабиётшунослигида қитъанинг ўрганилишидаги бир қатор чалкашликларга аниқлик киритишга ҳаракат қилади.

Калит сўзлар: қитъа, назарий муаммолар, қитъанинг бошқа жанрлардан фарқи, қитъа ва ғазал, қитъа ва қофия, қитъа ва маснавий, илмий чалкашлик.

Теоретические проблемы в исследовании жанра китъа

Аннотация: В статье рассматриваются теоретические проблемы изучения жанра "китъа". Автор стремится прояснить ряд путаниц в изучении жанра "китъа" в узбекской литературе XX века.

Ключевые слова: жанр "китъа", теоретические проблемы, отличие "китъа" от других жанров, китъа и газель, китъа и рифма, китъа и меснави, научная путаница.

Theoretical problems in the study of the genre "kit'a"

Abstract: The article deals with the theoretical problems of studying the genre "kit'a". The author seeks to clarify a number of confusion in the study of the "kit'a" genre in the Uzbek literature of the 20th century.

Key words: genre "kit'a", theoretical problems, difference of "kit'a" from other genres, kit'a and gazelle, kit'a and rhyme, kit'a and mesnavi, scientific confusion.

Мумтоз адабиётимизнинг энг қадимий жанрларидан бири қитъа баъзи хусусиятлари билан бир қатор шеърий жанрлар билан умумийлик ҳосил қилса, ўз навбатида баъзи белгилари билан алоҳидалик касб этади. Хусусан, қитъанинг тўртлик ҳажми рубоий, туюқ, муаммо, тўртлик, чистон, таърих каби жанрлар билан умумийликни юзага келтирса, ўзига хос қофияланиш тартиби, шунингдек, мазмуни ва вазнидаги эркинлик бошқа жанрлардан ажратувчи асосий мезон саналади. Навоий қитъаларининг баъзилари рамал баҳрида яратилганлиги қитъа вазн доирасида чегара билмаслигини, ҳатто, туюқ вазнига ҳам дахл этганлигини кўрсатади. Шеърий жанрлардаги мана шундай қоришиқ хусусиятлар уларни муайян гуруҳларга ажратишга монеълик қилади.

Адабиётларда таъкидланишича, қитъа сўзининг луғавий маъноси арабча “бўлак”, “парча”, “қисм”, “ҳисса” демакдир. Уларда “қитъа” сўзи икки хил маънода қўлланилиши қайд этилади: 1) маълум бир шеърий жанрнинг одатда ғазал ёки қасиданинг бир қисмига нисбатан парча, бўлак маъносида (сўзнинг луғавий маъносидан келиб чиққан ҳолда) қитъа сўзи ишлатилган. 2) мустақил яратилган асосан тўрт мисрадан иборат, баъзан ғазал ва қасида кўринишида, қофияланиши жуфт мисраларнинг оҳангдошлиги (б-а-в-а) асосига барпо бўлган, вазни ва ҳажми қатъий бўлмаган шеърий жанрга нисбатан (истилоҳий маънода) қўлланилган. Биринчи ҳолатда “қитъа” сўзи ўз мустақил луғавий маъноси сақлаб қолган бўлса, иккинчи ҳолатда эса маълум бир адабий тушунча(жанр)ни англатиш учун маъноси махсуслаштирилган ҳолда илмий атама вазифасини бажаради.

Қитъада одатдаги ўзаро оҳангдош мисра – матлаънинг мавжуд эмаслиги, яъни ўзига хос қофияланиш тартиби (б-а-в-а) баъзи бир шеърий (ғазал, қасида) жанрларнинг парчаси билан ўхшашлик ҳосил қилади. Айнан мана шу хусусияти унинг жанрлик атамасида намоён бўлиши уни бошқа жанрлардан ажратиб туради.

Шунингдек, қитъанинг ўзига хос композицион тузилиши ҳамда бу жанр ҳақида муайян бир манбада аниқ ва тўлиқ назарий маълумотнинг йўқлиги, мавжуд бўлган адабиётлардаги қарашларнинг ҳар хиллиги, нотугаллик XX аср ўзбек адабиётшунослигида турли чалкаш мулоҳазаларга сабабчи бўлди. Мазкур чалкашликлар: 1) қитъанинг яратилиш бўйича; 2) қитъанинг ғазал жанридан фарқи бўйича; 3) қитъанинг қофияланиш тартиби бўйича; 4) қитъанинг турлари бўйича билдирилган қарашларда юзага келди.

Биринчи масала юзасидан билдирилган фикрларда қитъа жанрининг яратилиши икки хил талқин қилинди: 1) мустақил асар сифатида яратилади; 2) қасида, ғазал жанрининг таркибидан бирор парчани ажратиб олиш асосида юзага келади.

Абдурахим ибн Аҳмад Сурнинг “Кашф ул-луғот” (“Қитъа бир неча байтки, унда матлаъ бўлмайди. Бунда ғазал ёки шеърдан байт ёки парча узиб келтирилади”) ¹ ва Муҳаммад Ғиёсиддиннинг “Ғиёс ул-луғот” (“Шоирлар таъбири билан айтганда, икки ёки ундан ортиқ матлаъи бор ё йўқ шеър, гўё у парча ғазал ёки қасидадан кесиб олинган”) ² асарида келтирилган маълумотлардан ғазал ёки қасиданинг бирор бўлаги ҳам қитъа жанрини юзага келтира олади, деган ноўрин фикр келиб чиқиши мумкин.

Худди шундай маълумот XX аср ўзбек адабиётшунослигида А.Зуннунов, Н.Хотамов муаллифлигида нашр этилган “Адабиёт назариясидан қўлланма” дарслигида ³, Н.Хотамов ва Б.Саримсоқов ҳаммуаллифлигида нашр этилган “Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати”да ⁴ ҳамда У.Тўйчиевнинг “Адабий турлар ва жанрлар” монографиясида ⁵ ҳам қайд этилди.

Шу туфайли Р.Орзибеков бугунги кунда адабиётшуносликка оид луғатлар таркибида, хусусан, “Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат” ва

¹ Абдурахим ибн Аҳмад Сур. Кашф ул-луғот. – Лакҳнав.1878, 2-жилд. –Б.144.

² Муҳаммад бини Жалолиддин Ғиёсиддин. Ғиёс ул-луғот, 2 жилд. – Канпур, 1323 ҳижрий.-Б.719.

³ Зуннунов А., Хотамов Н. Адабиёт назариясидан қўлланма (8-10 синфлар учун). – Тошкент, Ўқитувчи, 1978. – Б.138-139.

⁴ Хотамов Н. Адабиётшуносликдан қисқача русча-ўзбекча терминологик луғат. – Тошкент,1969. – Б. 152-153.

⁵ Тўйчиев У. Адабий тур ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид). Лирика. 3 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент, Фан, 1992. – Б.192

“Навоий асарлари луғати” китобида қитъага: “Қитъа: а. парча; шеърда ғазал ёки қасидадан ажратиб олинган икки-уч ёки ундан ортиқ байт” тарзида бирёклама таъриф берилганлигини танқид этди. Чунки бу тарздаги изоҳ ёки “Бундай талқин қитъанинг пайдо бўлиши ва ривожланишида мустақил йўл ҳам бўлганлигини, унга лирик турнинг ўзига хос алоҳида жанрларидан бири сифатида қаралиши лозимлигини йўққа чиқаради”, деб таъкидлайди ва биринчи ҳолатда у мустақил шеърӣ жанр, иккинчи ҳолатда эса ўзининг истилоҳӣ маъносини йўқотган ҳолда ғазал ва қасидаларнинг маълум қисмига нисбатан «парча» маъносида қўлланилишини ёритиб беради ⁶. Шунингдек, олим “Адабиётшуносликдан қисқача русча-ўзбекча терминологик луғат”да “Қитъа икки байтли шеърӣ фрагментдир”⁷, дейилишида ҳам хато борлигини таъкидлаб, қитъа икки байтдан 19 байтгача бўлиши мумкинлигини, лекин одатда бир байтдан то ўн байтгача қитъалар учраши, Навоий қитъалари орасида 11 байтлиси ҳам борлигини таъкидлайди ва бу борадаги чалкашликларга ҳам аниқлик киритади⁸.

“Қитъа” сўзи мустақил жанр маъносини англатиб келганда, икки хил кўринишдаги жанрлардан: 1) ғазал ва қасида кўринишидаги жанрлардан; 2) рубоӣ, туюқ сингари тўртлик кўринишдаги жанрлардан ўзига хос хусусиятлари билан ўзаро фарқланади.

Хусусан, қитъанинг ғазал ёки қасида шаклидаги кўриниши ғазаллардан ўзаро оҳангдош матлаъга эга эмаслиги билан алоҳидалик касб этади. Аммо икки жанр ўртасидаги ўхшашлик олимларнинг турли хил қарашларига сабаб бўлди. Яъни ғазалга ўхшаш қитъалар баъзи манбаларда қитъанинг бир тури деб қайд этилган бўлса, баъзи манбаларда, аксинча, ғазалнинг тури деб таҳлил этилди. Хусусан, О.Носиров тадқиқотларида “ғазал-қитъа” ғазалнинг бир тури деб изоҳланади⁹. Р.Орзибековнинг “Лирикада кичик жанрлар” (1976) рисоласида эса, аксинча, ғазал-қитъаларни, қитъанинг бир тури сифатида қайд этади, аммо

⁶ Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1976. – Б. 6.

⁷ Ҳотамов Н. Адабиётшуносликдан қисқача русча-ўзбекча терминологик луғат. – Тошкент, 1969. – Б.56.

⁸ Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1976. – Б. 14.

⁹ Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. – Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1972. –Б.66.

олим Р.Орзибеков “Ўзбек поэзиясида ғазал ва мусаммат” (1976) рисоласида эса О.Носировнинг қарашларига эргашиб, ғазал қитъаларни қитъанинг эмас, ғазалнинг бир тури сифатида кўрсатади: “Шулар ичидан ғазал-қитъалар ҳажми, қофия тартиби жиҳатидан ғазаллардан деярли фарқ қилмаса ҳам, лекин унда матлаъ байт бўлмайди, яъни биринчи байт ўзаро қофияланмайди. Шу маънода уни матлаъсиз ғазал деб аташ ҳам мумкин... Ўзбек ғазалчилигини формал-поэтик жиҳатдан тасниф этган О.Носиров бундай шеърлардаги икки жанрга хос хусусиятларни назарда тутиб бўлса керак, уларни ғазалнинг бир тури, ғазали-қитъа деб аташни тавсия этади. Бу фикрга тўла қўшилиш мумкин”¹⁰.

Қитъага ғазалнинг бир тури сифатида қараш 1979 йилда Н.Шукуров, Н.Ҳотамов, Ш.Холматов, М.Маҳмудов ҳам муаллифлигида нашр этилган “Адабиётшуносликка кириш” қўлланмасида ҳам кузатилади: “3.Ғазал - қитъа. У худди қитъадек қофияланади. Яъни б-а, в-а, г-а, д-а ҳоказо”¹¹.

Олимларнинг таъкидича, бундай қитъаларда ёки ғазалнинг бу турида таҳаллус қўлланган мактаънинг ҳам мавжудлиги уларни ғазалларга янада яқинлаштиради ва улар ўртасидаги фарқ деярли йўқолади. Фақат биринчи байтнинг ўзаро оҳангдош эмаслиги қитъаларни ғазаллардан ажратиб туради, холос. Шу туфайли олимлар қитъанинг ғазал кўринишдаги тури дейишдан кўра, аксинча, ғазалнинг қитъа шаклида қофияланувчи тури дейишни маъқул топади.

Фитратнинг “Адабиёт қоидалари” рисоласида эса, аксинча, худди шу матлаъси мавжуд бўлмаган ғазаллар “қитъа” деб баҳоланган: “Ғазалнинг биринчи байти бўлмас, қолғани қитъа бўлади. Бошқача айтганда, қофияси ҳар байтнинг охирида бўлиб, биринчи мисраъи қофиясиз бўлқон тизмаларга қитъа дейилар. Кўбрак талабномалар, чақириш битимлари, насиҳатлар қитъа шаклида ёзилгандир”¹².

Бизнингча ҳам масалага шу тарзда ёндашиш ўринлидир. Ўзаро оҳангдош матлаъга эга бўлмаган шеърларга нисбатан оддийгина “қитъа” деб қараш баъзи

¹⁰ Орзибеков Р.Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Тошкент, Фан, 1976. – Б.34-35.

¹¹ Шукуров Н., Ҳотамов Н., Холматов Ш., Маҳмудов М. Адабиётшуносликка кириш. –Тошкент, Ўқитувчи, 1979. –Б.191.

¹² Фитрат Абдурауф. Адабиёт қоидалари. – Тошкент, Ўқитувчи, 1995. – Б.50.

бир чалкашликларнинг олдини олади. Аслида қитъанинг қофиядаги худди шу хусусияти уни бошқа жанрлардан ажратиб турувчи ягона қатъий мезони саналади. Мана шу белгиси билан у “қитъа” (яъни худди бирор шеърнинг матлаъдан кейинги қисмига ўхшаганлиги сабабли ҳам унга “қитъа” деб ном берилган бўлса ажаб эмас). Бу хусусда чех олими, академик Ян Рипканинг: “Агар матлаъ бўлмаса қасида ҳам, ғазал ҳам қитъага айланади” ёки Е.Э Бертельснинг: “У одатда кичик шеър бўлиб, ғазалдан фарқи шундаки, у ярим шеърдир. Биринчи байт ўзаро қофияланмайди” сингари фикрлари аҳамиятлидир¹³.

Мазкур фикрлардан қитъа учун асосий мезони унинг ўзига хос қофияланиш тартиби бўлиб чиқади. Худди шу белгиси билан қитъа ғазалдан ҳам, рубоидан ҳам, туюқдан ҳам ажралиб туради. И.Ҳаққуловнинг “Қитъа ва ғазал” мақоласида¹⁴ ҳам мазкур мавзу чуқур таҳлил этилди.

Қитъа жанри бўйича юзага келган чалкашликлардан яна бири унинг қофияланиш тартиби бўйича билдирилган фикрлардаги ҳар хиллик. Юқорида кўриб чиққанимиздек қитъа учун ягона жанр мезони унинг қофияланиш тартиби бўлиб, худди шу белгиси билан у барча жанрлардан алоҳидалик касб этади. Бу хусусият фақат қитъаларга хосдир. Аммо XX асрда баъзи манбаларда қитъанинг қофияланиши а-а, б-б, в-в тарзда ҳам қайд этилди, натижада қитъа ва маснавий ўртасидаги фарқ йўқолиб, адабиётшунослигимизда маснавий шаклида қофияланувчи шеърлар ҳам қитъа сифатида таҳлил этилди. Чунончи, М.Иброҳимов ва Ғ.Маҳмудов, О.Носиров, С.Жамолов, М.Зиёвидднов¹⁵ томонидан олиб борилган тадқиқотларда қитъанинг қофияланиши а-а, б-б, в-в тарзида ҳам бўлиши мумкинлиги қайд этилди. Аммо бундай қофияланиш бизга маълумки, маснавийларга хосдир. Шу билан бирга ҳеч қайси назарий манбаларда қитъанинг бу тарзда қофияланиши қайд этилмаган. Хусусан, О.Носиров, С.Жамолов, М.Зиёвиддинов ҳаммуаллифлигида нашр этилган

¹³ Ян Рипка. История персидской и таджикской литературы. – Москва, Из-во «прогресс», 1970. – С. 106; Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. – Москва, 1960. – С.113].

¹⁴ Ҳаққулов И. Қитъа ва ғазал // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1978. № 6. – Б. 27– 30.

¹⁵ Иброҳимов М. Кичик поэтик жанрлар ва уларнинг услуб хусусиятлари // Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. – Тошкент, Фан, 1983. – Б. 184; Маҳмудов Ғ. Замон, шеърит, ҳажвиёт. – Самарқанд, Сўғдиёна, 1994. – Б.53; Носиров О., Жамолов С., Зиёвидднов М. Ўзбек классик шеърятини жанрлари. – Тошкент, Ўқитувчи, 1979. – Б.152.

“Ўзбек классик шеърлати жанрлари” (1979) рисолаида “Хазойин ул-маоний” девонидан жой олган куйидаги маснавий қитъа сифатида келтирилади:

Кимки ўзлук иморатин бузди,
Бўлди нақди фано анинг музди.
Ул иморатни бузмайин солик,
Бўла олмас бу нақдга молик.(1-т., 41-қ.)¹⁶

Л.Серикова томонидан ҳам худди шу маснавий “Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” асарида қитъа” (1976) номли мақолаида шоир қитъалари қаторида таҳлил этилган эди¹⁷.

Ё.Исҳоқовнинг 60-йиллардаги тадқиқотида қайд этилишича, худди шу 41 рақамли – қитъа аслида маснавийдир. Олим шундай ёзади: “Қитъа учун хос энг муҳим белгиларидан бири – унинг қофия системаси эди (а-б, в-б, г-б). Навоий бу масалага жиддий муносабатда бўлганлигини унинг ўз изоҳларидан сезиб олиш мумкин. Шоир маснавий тарзида қофияланган ва қитъалар қаторида берилган иккита шеърӣ парчанинг устига шундай сарлавҳа қўйган: “Маснавий хожаи Нақшбанд қуддиси сирруху каломи таржимасидаким...”, “Маснавий машойих каломи таржимасидаким...”(ФК 739–740). Демак, бири уч ва иккинчиси икки байтли бўлган мазкур шеърлар, муаллифнинг ўз таъкидига кўра, қитъа эмас, балки маснавий. Улар фақат ҳажм эътиборига кўра қитъалар қаторида берилган холос. Шунинг учун ҳам муаллиф уларга алоҳида изоҳ бериб ўтган. “Ғаройиб-ус-сиғар”даги” 41, “Бадоеъ-ул-васат”даги 3, 18, 52 ва “Фавойид ул-кибар”даги 42 ва 44 рақамли шеърлар ҳам қитъа эмас, балки маснавий ҳисобланади¹⁸. Мана шу ҳисобда “Хазойин ул-маоний” девонидаги 210 та қитъадан 6 таси миниатюр маснавийлар бўлиб чиқади ва қитъалар сони 204 та эканлиги маълум бўлади. Демак, а-а, б-б, в-в, тарздаги қофияланиш тартиби маснавийга, а-б, в-б, г-б ... ёки а-б-в-б тарзида жуфт мисраларнинг ўзаро қофиядошлиги асосан қитъага хосдир.

¹⁶ Носиров О., Жамолов С., Зиёвиддинов М. Ўзбек классик шеърлати жанрлари. – Тошкент, Ўқитувчи, 1979. – Б.153.

¹⁷ Серикова Л. Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» асарида қитъа // Адабий мерос. – Тошкент, 1975. № 5. –Б.57.

¹⁸ Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент, Фан,1983. – Б.67-68.

Аммо юқорида кўриб ўтганимиздек, ўзаро оҳангдош байтлардан ташкил топган кичик шеърларни қитъа деб аташ адабиётшунослигимизда Ё.Исҳоқов билдирган танкидий фикрлардан сўнг ҳам давом этди. Чунончи, Ғ.Маҳмудов тадқиқотларида Аваз Ўтарнинг бир қатор маснавийлари ҳам ҳажвий қитъалар намунаси сифатида таҳлил этилди ¹⁹.

Р.Орзибековнинг тадқиқотларида эса бу хилдаги шеърлар “маснавий-шеърлар” деб тўғри таҳлил этилди: “Маснавий шеърларнинг намуналари кўп. Улар тематик жиҳатдан ғоят ранг-барангдир. Уларда эпик ҳолатларга нисбатан лирик ҳолатлар, ҳиссий коллизиялар, мушоҳадалар устун туради. Шунинг учун уларни лирик маснавийлар туркумига киритиб, шаклий ва ғоявий-тематик тасниф асосида ўрганиш мумкин” ²⁰.

Ё.Исҳоқов ва Р.Орзибеков томонидан қайд этилган мазкур фикрлар адабиётшунослигимизда қитъа ва маснавийни бир-биридан фарқлашда муҳим қимматли маълумот вазифасини ўтади. Бизнингча, олимларнинг мана шу асосли фикрлари икки жанрни чалкаштириш ҳолатидан сақлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдураҳим ибн Аҳмад Сур. Кашф ул-луғот. – Лакҳнав.1878, 2-жилд. – Б.150.
2. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ.– Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 400.
3. Зуннунов А., Хотамов Н. Адабиёт назариясидан қўлланма (8-10 синфлар учун). – Тошкент, Ўқитувчи, 1978. – Б.160.
4. Иброҳимов М. Кичик поэтик жанрлар ва уларнинг услуб хусусиятлари // Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. – Тошкент, Фан, 1983. –Б. 210.
5. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент, Фан,1983. – Б.167.

¹⁹ Маҳмудов Ғ. Замон, шеърят, ҳажвиёт. Ўзбек ва тожик сатирик поэзиясида жанрлар ранг-баранглиги (1900-1930 йиллар) – Самарқанд, Суғдиёна,1994. –Б,54.

²⁰ Орзибеков Р. Ўзбек лирик шеърятини жанрлари. –Тошкент, Фан, 2006. –Б.353.

6. Мухаммад бинни Жалолиддин Гиёсиддин. Гиёс ул-луғот, 2 жилд. – Канпур, 1323 ҳижрий.-Б.719.
7. Маҳмудов Ғ. Замон, шеърит, ҳажвиёт. – Самарқанд, Сўғдиёна, 1994.– Б.102.
8. Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. – Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1972. –Б.134.
9. Носиров О., Жамолов С., Зиёвидднов М. Ўзбек классик шеърятини жанрлари. –Тошкент, Ўқитувчи, 1979. –Б.183.
10. Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1976. – Б.168.
11. Орзибеков Р. Ўзбек лирик шеърятини жанрлари. –Тошкент, Фан, 2006. – Б.353.
12. Орзибеков Р.Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Тошкент, Фан, 1976. – Б.120.
13. Серикова Л. Алишер Навоийнинг «Ҳазойин ул-маоний» асарида қитъа // Адабий мерос. – Тошкент, 1975. № 5. –Б.52-62.
14. Тўйчиев У. Адабий тур ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид). Лирика. 3 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент, Фан, 1992. – Б.247.
15. Фитрат Абдурауф. Адабиёт қоидалари. – Тошкент, Ўқитувчи, 1995. – Б.50.
16. Шукуров Н., Ҳотамов Н., Ҳолматов Ш., Маҳмудов М. Адабиётшуносликка кириш. –Тошкент, Ўқитувчи, 1979. –Б.191.
17. Ҳаққулов И. Қитъа ва ғазал // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент,1978. № 6. –Б. 27– 30.
18. Ҳотамов Н. Адабиётшуносликдан қисқача русча-ўзбекча терминологик луғат. – Тошкент,1969. – Б. 200.
19. Ян Рипка. История персидской и таджикской литературы. – Москва, Из-во «прогресс»,1970. – С. 106;].
20. Қабул Мухаммад. Ҳафт Кулзум, VII жилд. – Лакҳнав, 1230 ҳижрий. –Б.46